



Инсоният цивилизациясига ўзига хос хисса қўшган бу воҳа номи — Хоразм атамасининг келиб чиқиши борасида шу пайтгача турли талкинлар билдирилиб келинмоқда. Академик С.П.Толстов ёзганидек, «милоднинг X асрига келиб, бу сўзнинг маъносини хоразмликларнинг ўзлари ҳам унутиб юборганлар»...

Турли авлодга мансуб тадқиқотчилар гуруҳи Хоразм атамасини изоҳлашга уриниб кўрганлар. Масалан, Клиппертва Лерх «Хоразм» номини «пасттекислик ер» деб, Бюрнуф, Захау, Гейгер «унумдор ер» дея, Юсти ва Шпигель эса, аксинча «ёмон, унумсиз ер» деб талкин қилишган. Савельев бўлса «Куёш ўлкаси» сифатидаги талкин билан бахсу мунозарага қўшилди.

Маълумки, форсчада Хур, Хуршид куёш бўлиб, славянларнинг куёш худоси - Хорс номи ҳам шундан олингандир.

Бундан ташқари мазкур сўз турли манбаларда турлича талаффузда айтилганига ҳам эътибор қаратмоқ керак. Мисол учун, араб манбаларида Хваризм, янги эранинг VII асри бошларидаги Хоразм тангаларида Хвризм, кадимги форсчада эса Уваразмис, бобилчада Хумаризма, эламчада Маразмис, «Авесто»да Кайризао, юнончада Хораспия, латинчада Хорасмия тарзида келтирилади.

Бехистун ва Персеполдаги ёзувларда эса Уваразми, кадимий Хитой манбаси бўлмиш «Хан сулоласи тарихи» асарида Юегянь (Юецзянь), «Тан сулоласи тарихи» да «Хосюнь», «Холисими Боли» тарзида кайд этиб ўтилган.

Шунингдек, Хоразм тўғрисида араб сайёҳи Мукаддасий (985 йил) ўзининг «Ахзам ут таксим фи маърифат ул-ақолим» асарида бир ривоятни келтириб ўтади. Унда шарк подшоҳи қахру қазабига дучор бўлган 400 кишини қимсасиз узок жойга олиб бориб ташлашни буюргани айтилади. Улар шу тариқа ҳозирги Қос шаҳрига (Қос-Қот-Шаббоз, ҳозирги Қорақалпоғистондаги Бегуний тумани) келтирилибди. Орадан вақт ўтиб, подшоҳ 103 фарсахликдаги Қосга келиб қолганлар ҳолидан хабар олишни топширибди.

Мулозимлар келиб қарашса, бадарга қилинганлар-ҳаммаси тирик бўлиб, ўзларига чайлалар қуриб, балик овлаб қун кечиришаётган экан. Уларда ўтин, чўп қўп экан.

Воқеадан подшоҳни огоҳ қилишса, у мулозимларидан сўрабди:

- Улар гўшти нима дейишаркан?

-Хор.

-Ўтин-чўпничи?

-Разм.

Шунда подшо дебди: Мен ўша жойларни уларга багишладим. Уларнинг юрти «Хоразм» деб аталсин.

Хукмдор бадарга этилганларга тўрт юз нафар турк кизини олиб бориб ташлашни ҳам буюрибди.

Мукаддасий келтирган бу ривоятни («хор» ва «разм» - «гўшт» Ва «ўтин»— Хоразм) академик С.П.Толстов, «афсонадан бошка марса эмас», дея баҳолайди.

Хўш, С.П.Толстовнинг ўзи бу борада қандай фаразни илгари суради?

Унинг назарида, «бизни кизиктираётган термин асосида этник ном ётади, деб фараз қилсак, у ҳолда «Хоразм» («хварри ёки харри халкининг ери») сўзи (шуниси диққатга сазоворки, Ёкут XIII асрлардаёқ «Хоразм» сўзидаги «р» ташдид остида, яъни иккиланиб ўкилишини кўрсатиб, араб шоири Асадийнинг «Хоразм» сўзи иккита «р» билан ёзилган шеърдан парча келтирадибизни шарқий яфет кабилалари этнографияси оламига элтади ва Митанни давлатининг асосчилари бўлган кабила номи—«Хуррит» билан «Харри» ёки «Хурри» ўртасида ўхшашлик борлигини кўрсатади. Хозирча биз янги эрадан аввалги 3-2 минг йилликларга (Олд Осиёда тарих майдонида хурритлар пайдо бўлган давр) оид Хоразм маданияти тўғрисида жуда кам маълумотга эга бўлганимиз сабабли бу ҳақда бирор аниқ фикр айтиш қийин, лекин Хоразм билан Митанни ўртасида алоқалар бўлганлиги шубҳасиз. Шунини қайд қилиш лозимки, Шаушатар (1 ва 11) номли машҳур Митанни подшоҳларининг исми билан Хоразм подшоҳларининг Абу Райхон Беруний келтирган, Хитой ахборотлари ва нумизматика материаллари тасдиқловчи рўйхатидаги ном (Шаушафар) ўртасида хайрон қоларли даражада ўхшашлик мавжуд. Тилшунос олим Бахтиёр Ризо эса ушбу атаманинг келиб чиқиши бўйича янги, ўз шахсий фаразини илгари суради. Маълумки, «кўр» сўзи гулханнинг сўниб битмаган, янги гулхан ёкишда аскотадиган чўғ, оловнинг хилланиб турган қолдигини билдиради. Хатто, хозирдаям «юрагида кўри бор», «калби кўрини бахш этди» сингари иборалар ишлатилиб, унда калбни, юракни оташ, ёниб турган гулханга тенглаштириш мазмуни акс этган. Тилшунос ана шу «кўр» сўзи айнан оловни мукаддас деб билган зар-душтийлар билан боғлиқ эканини таъкидлаб, қуйидагича фикр юритади: «Хоразм» сўзи ярим форсийлашган тарзда «Кўри азим», яъни Катта гулхан, Бош гулхан, Асосий оташгоҳ мазмунларидан келиб чиққан. Маълумки, «Кўр» сўзи туркийча бўлса, «азим» форсийчадир. Бунинг сабаби, Эрон Ахамонийлари «Кўр» сўзини ўзларининг талаффузида ифодалашган ва унга «азим» сўзини қўшишган. Шундан кейин келган юнонлар эса бу сўзни форсийлардан ўзлаштиришган».

Албатта, Бахтиёр Ризонинг бу фикрлари -«Кўри Азим» ҳам бир илмий тахмин, ҳолос. Хуллас, Хоразм атамасининг қайси талқинини олмайлик, унда воҳа қуёшли, мукаддас, унумдор замин сифатида таърифланади. Дарҳақиқат, ҳудди шундай. Ана шу боисдан ҳам Кизилкум ва Қоракум оралигидаги қуёшли ўлкада инсоният маданиятининг ривожланиш босқичлари, тамаддуни пайдо бўлди ва тараккий топди.

Умид Бекмуҳаммад

